



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 24 yil « 30 » dekabr

№ 910

Toshkent sh.

Давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларга риоя этилишини масофадан мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 27 ноябрдаги ПФ–200-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 16 июндаги ПФ–6247-сон Фармони билан барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан Ҳисоб палатаси, Марказий банк, суд ва прокуратура органлари ҳамда уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналари томонидан очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларга риоя этилишини масофадан мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин:

масофадан мониторинг қилиш асослари;

масофадан мониторинг қилиш тартиби ва муддатлари;

масофадан мониторинг қилиш натижаларини расмийлаштириш ва кўриб чиқиш;

масофадан мониторинг қилиш якуни бўйича аниқланган ҳолатлар юзасидан таъсир чораларини қўллаш.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори А.Э. Бурханов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

**Давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлаш
соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган
мажбуриятларга риоя этилишини масофадан
мониторинг қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларга риоя этилишини масофадан мониторинг қилиш, натижасини расмийлаштириш ва кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

2. Давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларга риоя этилиши Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан масофадан мониторинг қилинади.

3. Масофадан мониторинг қилиш давомида зарурат туғилган тақдирда, Агентлик томонидан давлат органлари ва ташкилотларининг махсус билим ва малакага эга бўлган ходимлари мутахассис сифатида жалб этилиши мумкин.

4. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

даврий мониторинг – давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлаш борасидаги мажбуриятлари ҳисобини юритиш доирасида қонунчиликда белгиланган талабларнинг ижросини ўрганиш;

масофадан мониторинг қилиш – давлат органлари ва ташкилотларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган маълумотларни Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштириш (эълон қилиш) бўйича мажбуриятларига риоя этилишини масофадан туриб ўрганишга қаратилган назорат тадбири;

масофадан мониторинг қилиш натижаларини жойига чиққан ҳолда расмийлаштириш – масофадан туриб ўтказилган ўрганиш натижаларини мониторинг қилинган давлат органи ва ташкилоти жойлашган (фаолият юритаётган) манзилда расмийлаштириш;

намунавий шакллар – очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларнинг қонунчиликда кўрсатилган ахборот ресурсларида жойлаштиришга нисбатан белгиланган қатъий шакллари;

сўровнома – Агентликнинг давлат органлари ва ташкилотлари томонидан расмий ахборот ресурсларида очик эълон қилинган маълумотларнинг ҳаққонийлигини (ишончлилиги) тасдиқловчи қўшимча материалларни талаб қилиб олиш ҳақидаги ҳужжат.

5. Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан очик маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар мазкур Низомга 1-54-иловаларда кўрсатилган намунавий шакллар асосида эълон қилиб борилади.

2-боб. Масофадан мониторинг қилиш асослари

6. Масофадан мониторинг қилиш режали ва режадан ташқари асосларда ўтказилади.

7. Режали масофадан мониторинг қилиш давлат органлари ва ташкилотларининг очикликни таъминлаш борасидаги мажбуриятлари ҳисобини юритиш доирасида қонунчиликда белгиланган муддатларда ўтказилади.

Режадан ташқари масофадан мониторинг қилиш қўйидаги асослардан бири мавжуд бўлганда ўтказилади:

жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган очикликни таъминлаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилишига йўл қўйилганлиги ҳақидаги мурожаатлар;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиклигини мониторинг қилиш ва баҳолашда иштирок этадиган ҳамда бошқа давлат органлари ва ташкилотлари томонидан қонунчилик ҳужжатларининг бузилиши тўғрисида тақдим этилган маълумотлар;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиклигини таъминлаш соҳасида оммавий ахборот воситалари ва бошқа ахборот манбаларида, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғида қонунчилик ҳужжатлари бузилиши тўғрисида эълон қилинган маълумотлар;

расмий ахборот ресурсларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда юритишга оид оммавий муҳокамалар, жамоатчилик эътиборини тортган ёки турли баҳс-мунозараларни келтириб чиқарган ҳолатларда.

8. Масофадан мониторинг қилиш Агентлик директорининг буйруғига асосан ўтказилади.

Агентлик директорининг буйруғида қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши шарт:

масофадан мониторинг қилинадиган давлат органлари ва ташкилотларининг номи;

масофадан мониторинг қилиш учун асослар;

масофадан мониторинг қилиш саволномаси;

масофадан мониторинг қилишда иштирок этадиган масъул ходимлар ва жалб этиладиган мутахассислар таркиби;

масофадан мониторинг қилишда қамраб олинадиган ахборот ресурслари кўлами;

масофадан мониторинг қилиш доирасида ижроси ўрганиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумот;

масофадан мониторинг қилиш муддати.

9. Агентлик давлат органлари ва ташкилотларини масофадан мониторинг қилиш бошланганлиги ёки ўтказилаётганлиги ҳақида олдиндан огоҳлантирмайди (хабардор қилмайди).

3-боб. Масофадан мониторинг қилиш тартиби

10. Агентлик директорининг масофадан мониторинг қилиш ҳақидаги буйруғига асосан давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлашга оид қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларни ўз расмий веб-сайти, Очиқ маълумотлар портали ва бошқа ахборот ресурсларида белгиланган муддатларда тўғри ва тўлиқ ҳажмда эълон қилинганлиги масофадан мониторингдан қилинади.

11. Масофадан мониторинг қилиш муддати ўн беш иш кунидан ошмаслиги лозим.

12. Масофадан мониторинг қилишни белгиланган муддатда якунлаш имкони бўлмаганда, қўшимча ўрганиш ва (ёки) қўшимча материаллар, ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда, Агентлик директори томонидан ушбу муддат бир ойгача узайтирилиши мумкин.

Масофадан мониторинг қилиш муддати Агентлик сўровига мувофиқ талаб этилган ҳужжатлар ўз вақтида тақдим этилмаган ёки ўрганиш объекти бўлган ахборот ресурсларида техник нуқсонлар юзага келганлиги асослари билан узайтирилган тақдирда, бу ҳақда мониторинг ўтказилаётган давлат органи ва ташкилоти расмий тартибда хабардор этилиши ҳамда сўровда кўрсатилган маълумотларни аниқ тақдим этиш (ахборот ресурсларидаги техник нуқсонларни бартараф этиш) муддати кўрсатилиши лозим.

13. Масофадан мониторинг қилиш Агентлик директорининг буйруғида кўрсатилган муддатга қатъий риоя этилган ҳолда ўтказилиши ва буйруқ доирасидан четга чиқмаслик лозим.

14. Агентлик сўровига мувофиқ талаб этилган ҳужжатлар ўз вақтида тақдим этилмаганда, соҳавий мутахассислар мавжуд бўлмаганда ёхуд ўрганиш объекти бўлган ахборот ресурсларида техник нуқсонлар юзага келган тақдирда, масофадан мониторинг қилиш Агентлик директорининг буйруғи билан вақтинча тўхтатиб турилиши ёки бошқа муддатга кўчирилиши мумкин.

15. Масофадан мониторинг қилиш тўхтатиб турилган ёки бошқа муддатга қўчирилган тақдирда, уни қайта тиклаш муддати масофадан мониторинг қилишнинг умумий муддатидан ошмаслиги лозим.

16. Масофадан мониторинг қилиш қайта тикланганда, вақтинча тўхтатиб турилган вақтни ҳисобга олган ҳолда дастлабки белгиланган муддатда (қўшимча узайтирилган) тамомланиши лозим.

17. Масофадан мониторинг қиладиган ходим ва унга жалб этиладиган мутахассислар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қонун билан қўриқладиган сирга риоя қилган ҳолда, мониторинг қилиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва материаллар билан танишиш, давлат органлари ва ташкилотларининг электрон базаларидан фойдаланиш;

мониторинг давомида давлат органлари ва ташкилотларининг иш учун аҳамиятли бўлган ҳужжат ҳамда маълумотларидан (шу жумладан, электрон ахборот жисмларда сақладиган маълумотлардан) нусхалар олиш;

масофадан мониторинг қилинаётган давлат органлари ва ташкилотларидан очиқ эълон қилиниши лозим бўлган маълумотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиб олиш;

масофадан мониторинг қилинаётган давлат органлари ва ташкилотларининг масъул шахсларидан қонунбузилиши ҳамда аниқланган ҳолатлар юзасидан оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар талаб қилиш;

қонун бузилиши ҳолатларини видеотасвирга олиш ва видеотасвирга олиш имкониятига эга бўлган электрон ахборот тўплаш мосламаларидан фойдаланган ҳолда мониторинг қилиш.

Масофадан мониторинг қиладиган ходим ва унга жалб этиладиган мутахассислар қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

18. Масофадан мониторинг қиладиган ходим ва унга жалб этиладиган мутахассислар қуйидаги мажбуриятларга эга:

масофадан мониторинг қилиш ҳақидаги буйруқ билан ўрганиш ўтказилаётган давлат органи ва ташкилотининг масъул ходимларини таништириш (масофадан мониторинг қилиш натижалари жойига чиққан ҳолда расмийлаштирилганда);

масофадан мониторинг қилишни ўз вақтида, тўлиқ ва холисона ўтказиш;

масофадан мониторинг қилиш давомида аниқланган ҳар бир қонунбузилиши ҳолатларига қонуний баҳо бериш;

масофадан мониторинг қилиш давомида ўзига маълум бўлган хизмат ва қонун билан қўриқладиган бошқа сирларни ташкил этувчи маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этмаслик.

Масофадан мониторинг қиладиган ходим ва унга жалб этиладиган мутахассислар зиммасига қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

19. Давлат органлари ва ташкилотлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:
- масофадан мониторинг қилиш ҳақидаги буйруқ билан танишиш (мониторинг натижаларини жойига чиққан ҳолда расмийлаштирилганида);
 - масофадан мониторинг қилиш ваколатига эга бўлмаган шахсларнинг ушбу жараёнга жалб этилмаслигини талаб қилиш;
 - масофадан мониторинг қилиш бўйича масъул ходимларнинг ваколатига кирмайдиган масалаларга оид талабларини бажармаслик ва ўрганиш предметига тааллуқли бўлмаган материаллар билан уларни таништирмаслик;
 - масофадан мониторинг қилишда аниқланган ҳолатлар билан танишиб чиқиш ва унинг натижаларидан норози бўлган тақдирда қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиш.

Давлат органлари ва ташкилотлари масофадан мониторинг қилиш бўйича масъул ходимларнинг қонуний талабига биноан мониторинг учун зарур бўлган материаллар ва ҳужжатларни тақдим этиш, мониторинг натижалари жойига чиққан ҳолда расмийлаштирилган тақдирда, уларни фаолият юритаётган объектга киритиш, масъул ходимларга ўз вазифаларини бажаришлари учун кўмаклашишга мажбурдирлар.

20. Агентлик давлат органлари ва ташкилотлари томонидан расмий ахборот ресурсларида эълон қилинган маълумотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқловчи материалларни талаб қилиб олиш юзасидан сўровнома юбориши мумкин.

21. Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан сўровномада талаб этилган масалалар юзасидан ўн кун муддат ичида Агентликка асослантилган жавоб юборилиши шарт.

Агентлик сўровномасида маълумотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қилиш талаб этилганда, мазкур ҳужжатлар сўровнома жавобига илова сифатида қўшиб юборилади.

22. Агентлик сўровномасига белгиланган муддатда жавоб берилмаганда ёки расмий ахборот ресурсларида эълон қилинган маълумотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқловчи материаллар тақдим этилмаганда, мазкур маълумотларни белгиланган тартибда ҳаққоний эмас деб топишга асос бўлади.

4-боб. Масофадан мониторинг қилиш натижаларини расмийлаштириш ва кўриб чиқиш тартиби

23. Масофадан мониторинг қилиш якуни (натижаси) бўйича қонунчилик ҳужжатларининг бузилиши аниқланган ҳолатлар юзасидан мониторингта масъул бўлган ходим томонидан маълумотнома расмийлаштирилади.

Маълумотнома расмий тил услуби ва юридик атамашуносликдан фойдаланилган ҳолда давлат тили қоидалари ва талаблари асосида тузилади.

Маълумотномада оғзаки нутқ шакллари, эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, кинояларнинг ишлатилишига йўл қўйилмайди.

24. Масофадан мониторинг қилиш якуни бўйича расмийлаштириладиган маълумотномада қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

масофадан мониторинг қилинган давлат органи ва ташкилотининг тўлиқ номи;

масофадан мониторинг қилиш асослари;

масофадан мониторинг қилган ва унда иштирок этган масъул ходимлар (мутахассислар) тўғрисидаги маълумот (фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи ва эгаллаб турган лавозими);

масофадан мониторинг қилиш муддати (мониторинг ўтказиш муддати узайтирилган тақдирда, унинг асослари);

масофадан мониторинг қилиш қамраб олинган ахборот ресурсларининг кўлами (тури);

масофадан мониторинг қилиш давомида ижроси ўрганилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

масофадан мониторинг қилишда аниқланган қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиши;

очиқликни таъминлашда йўл қўйилган тизимли камчиликларни бартараф этиш ва уларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар бўйича таклиф ва тавсиялар.

25. Маълумотнома масофадан мониторинг ўтказилган ҳар бир давлат органи ва ташкилоти учун алоҳида тартибда расмийлаштирилади.

26. Масофадан мониторинг қилиш якуни бўйича расмийлаштирилган маълумотномада қайд этилган қонунчилик ҳужжатларининг бузилиши Агентликнинг ҳуқуқий таъсир ҳужжати шаклида мониторинг қилинган давлат органи ва ташкилотига почта орқали буюртма хат билан ёки электрон манзилига юборилади.

27. Ҳуқуқий таъсир ҳужжати давлат органи ва ташкилотига келиб тушган санадан эътиборан ўн кун муддатда кўриб чиқилиши ва натижаси бўйича Агентликка ёзма ахборот берилиши шарт.

28. Давлат органлари ва ташкилотлари ҳуқуқий таъсир ҳужжатини кўриб чиқиш натижаси бўйича эътирозлари мавжуд бўлган тақдирда, шу муддат ичида асословчи ҳужжат ва маълумотларни илова қилган ҳолда, бу ҳақда Агентликка ёзма маълумот юборади.

29. Давлат органлари ва ташкилотларидан эътирозлар келиб тушган тақдирда, улар Агентлик томонидан уч иш куни ичида кўриб чиқилади ҳамда натижаси Агентлик директори томонидан тасдиқланадиган хулоса шаклида расмийлаштирилади.

30. Хулосада давлат органи ва ташкилоти томонидан билдирилган эътирозларнинг асослилиги ўрганилиб, қабул қилинган якуний қарор қайд этилади.

31. Эътирозларни ўрганиб чиқиш якуни бўйича қабул қилинган қарор натижасидан қатъи назар, бу ҳақда ташаббускор давлат органи ва ташкилоти ёзма равишда хабардор қилинади.

32. Агентлик ҳулосасида билдирилган эътирозлар тўлиқ асосли деб топилганда, масофадан мониторинг маълумотномаси тўлиқ, унинг айрим бандлари асоссиз деб топилган тақдирда шу бандлари бекор қилиниши кўрсатиб ўтилиши шарт.

33. Масофадан мониторинг қилиш якуни бўйича расмийлаштирилган маълумотномада бекор қилинган бандлар бўйича давлат органлари ва ташкилотларига ҳуқуқий таъсир чораси қўллаш тақиқланади.

34. Қуйидаги асосларнинг бири мавжуд бўлган ҳолларда Агентлик директорининг буйруғига асосан масофадан мониторинг қилиш натижалари жойига чиққан ҳолда расмийлаштирилиши мумкин:

масофадан мониторинг қилиш қамраб олинган ахборот ресурслари ва ижроси ўрганиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кўламининг (ҳажми, тури) катталиги;

очиқ эълон қилинган маълумотларнинг ҳаққонийлигини (ишончлилиги) тасдиқловчи материалларни жойида талаб қилиб олиш (ўрганиб чиқиш, киёслаш ва таққослаш) зарурати мавжудлиги;

расмий ахборот ресурсларидан очиқ маълумотларни топиш (олиш) имкони мавжуд бўлмаган ҳолларда;

Агентлик томонидан давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлаш борасидаги мажбуриятлари ҳисобини юритиш доирасида қонунчиликда белгиланган талабларнинг ижросини ўрганиш (даврий мониторинг) асос қилиб олинганда.

Масофадан мониторинг қилиш жойига чиққан ҳолда расмийлаштирилган тақдирда, мониторинг ўтказилаётган давлат органи ва ташкилоти ўрганиш қамраб олинган соҳа ва йўналишлар бўйича асословчи ҳужжат ҳамда маълумотларни (шу жумладан, жамланган маълумотларни) Агентликнинг жалб этилган ходимлари сўровига мувофиқ тақдим этишлари лозим.

35. Масофадан мониторинг қилиш жойига чиққан ҳолда ўтказилганида расмийлаштириш ўрганилаётган давлат органи ва ташкилоти масъул ходимлари иштирокида амалга оширилади.

36. Расмийлаштириш якуни бўйича тенг кучга эга бўлган икки нусхада маълумотнома тузилиб, Агентлик ходими ва ўрганилаётган давлат органи ва ташкилотининг масъул ходимлари томонидан имзоланади.

Давлат органи ва ташкилотининг масъул ходимлари маълумотномани олишдан ва (ёки) уни имзолашдан бош тортган тақдирда, Агентлик масъул ходими бу ҳақда маълумотномага тегишли ёзув киритади ва шу пайтдан эътиборан мониторинг якунланган ҳисобланади.

Маълумотномага имзо чекишдан бош тортган масъул ходим уни олишдан ва (ёки) имзолашдан бош тортиш сабабини тушунтиришга ҳақли. Бу тушунтириш маълумотномага киритилиши лозим.

37. Маълумотнома тузилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмасдан, унинг бир нусхаси ўрганилган давлат органи ва ташкилотининг почта ёхуд электрон манзилига юборилади (давлат органи ва ташкилотининг масъул ходимлари маълумотномани олишдан бош тортган ҳолларда).

38. Мониторинг натижаларини жойига чиққан ҳолда расмийлаштириш муддатлари масофадан мониторинг қилиш муддатидан ошмаслиги лозим.

5-боб. Якунловчи қоидалар

39. Масофадан мониторинг қилиш якуни бўйича аниқланган ҳолатлар юзасидан Агентлик томонидан қуйидаги таъсир чоралари қўлланиши мумкин:

очиқликни таъминлаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган мажбуриятларнинг бажарилмаслигига олиб келиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар ёки бу ҳақдаги ишончли маълумотлар мавжуд бўлганда, давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларига ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш ҳақида ёзма равишда расмийлаштирилган огоҳнома юбориш;

очиқликни таъминлаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларнинг бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида давлат органлари ва ташкилотларига тақдимнома киритиш;

очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни эълон қилмаганлик ёки тўлиқ эълон қилмаганлик, эълон қилиш муддатларига ва тартибига риоя этмаганлик ёки маълумотларни бузиб кўрсатиш ҳолатлари юзасидан маъмурий баённома расмийлаштириш.

40. Ушбу Низом талабларини бузган айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни
таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий
ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларга
риоя этилишини масофадан мониторинг қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Давлат органлари ва ташкилотлари ўз фаолиятига оид ҳисоботни эълон қилишда
(жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш) ҳисоботга
киритиладиган маълумот (ахборот)ларнинг
НАМУНАВИЙ РЎЙХАТИ**

Т/р	Ҳисоботга киритилиши лозим бўлган маълумот (ахборот) номи	Ҳисоботда акс эттириш шакли
1.	Ҳисобот йилида давлат органи ёки ташкилоти ўз фаолиятини тўғри йўлга қўйиш ва олиб боришда асосий эътибор қаратилган соҳа ҳамда йўналишлар;	Матн шаклида
2.	Давлат органи ёки ташкилоти ташаббуси билан ўз фаолияти ҳамда муайян соҳани такомиллаштириш (тартибга солиш) юзасидан ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жорий этилган янги механизмлар ҳамда уларнинг ижро ҳолати ҳақидаги маълумотлар;	Матн шаклида
3.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармонлари, Ҳукумат қарорлари ҳамда юқори турувчи орган топшириқларининг ижро ҳолати;	Матн ва инфографика шаклида
4.	Давлат органи ёки ташкилотининг ўз фаолият йўналишидан келиб чиқадиган соҳалар (йўналиш) бўйича амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар ҳамда келгуси истиқболда бажарилиши режалаштирилган чора-тадбирлар;	Матн, инфографика ва рақамлар шаклида
5.	Ўз фаолият йўналиши бўйича давлат назоратини амалга оширишда бажарилган ишлар, аниқланган ҳолатлар ва уларни олдини олиш борасида кўрилган чоралар;	Матн ва инфографика шаклида
6.	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш борасида амалга оширилган ишлар (умумий мурожаатлар сони, уларни соҳа, ҳудуд ва йўналишлар кесимидаги кўрсаткичлари ва бошқа ҳолатлар);	Матн ва инфографика шаклида
7.	Ҳисобот йилида давлат бюджети ва маҳаллий бюджет, бюджетдан ташқари жамғармалар, барча хомийлик ва халқаро (хорижий) маблағлар ҳисобидан амалга оширган даромад ва харажатлари, шу жумладан ходимларга тўланган иш ҳақи, мукофот ва рағбатлантириш, харид қилинган товар (иш ва хизматлар), хизмат сафари ҳамда бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлашга оид бошқа маълумотлар;	Матн, инфографика ва рақамлар шаклида
8.	Коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар, шу жумладан коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этган ёки бунга имкон яратиб берган ходимларга нисбатан кўрилган чоралар;	Матн ва рақамлар шаклида

9.	Очиқликни таъминлаш соҳасида амалга оширилган ишлар, соҳада самарадорлик ва натижадорликни ошириш ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилишга қаратилган чора-тадбирларнинг ижро ҳолати;	Матн, инфографика ва рақамлар шаклида
10.	Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлиги, шу жумладан соҳада рақамли инфратузилмани ривожлантириш, электрон хизматларни жорий этиш ва ривожлантириш ҳолати;	Матн шаклида
11.	Ходимларни танлаш, жой жойига қўйиш, билим ва малакаси шу жумладан, профессионал кўникмаларини ошириш борасида амалга оширилган ишлар;	Матн шаклида
12.	Давлат органи ва ташкилоти ҳузуридаги жамоатчилик, маслаҳат ва коллегиял органлар фаолияти юзасидан амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар;	Матн шаклида
13.	Хорижий мамлакатларнинг шу вазифа ва функцияларни бажарувчи органлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик, тажриба алмашиш ва илғор амалиётни имплементация қилиш йўналишида амалга оширилган ишлар;	Матн, инфографика ва рақамлар шаклида
14.	Ўз фаолиятидаги ижобий ва салбий аҳамиятдаги энг муҳим кўрсаткичларнинг олдинги йиллардаги кўрсаткичларга нисбатан қиёсий таҳлили (ўсиш ва пасайиш динамикасида);	Матн, инфографика ва рақамлар шаклида
15.	Давлат органлари ва ташкилотлари ўз фаолиятига оид ҳисоботни тўлиқ ва ҳар томонлама бўлишини таъминлайдиган бошқа маълумот (ахборот)лар.	Матн, инфографика ва рақамлар шаклида

Изоҳ:

1. Давлат органлари ва ташкилотлари **ҳар йили 1 мартга қадар** ўз фаолиятига оид ҳисоботни *(давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно)* расмий веб-сайтидаги алоҳида саҳифада жойлаштиради;

2. Ҳар йили **10 мартга қадар** ҳисоботларни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш жойи ва вақти ҳақида хабар беришлари лозим;

3. Ҳисоботнинг матни лўнда, оддий ва равон тилда баён этилиши, шунингдек кенг жамоатчилик учун долзарб маълумотларни қамраб олинган бўлиши лозим;

4. Мазкур намунавий рўйхатдаги маълумотлар давлат органлари ва ташкилотлари учун ҳисобот эълон қилиш ҳажмининг якуний чегарасини белгиламайди.

Давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни
таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий
ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларга
риоя этилишини масофадан мониторинг қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари билан солиқ имтиёзлари ва бошқа преференциялар,
шу жумладан индивидуал имтиёзлар берилган субъектлар, уларнинг якуний бенефициар (фойда олувчи) жисмоний шахслари,
уларнинг тўлаган солиқлари ва молиявий кўрсаткичлари тўғрисидаги
МАЪЛУМОТЛАР

Т/р	Имтиёз ва преференция берилган субъектнинг номи	СТИР рақами	Имтиёз берилган солиқ тури	Имтиёз ва (ёки) преференция қўллаш учун асос бўлган норматив ҳуқуқий ҳужжат	Умумий ҳисобланган солиқ миқдори (минг сўмда)	Жами тўланган солиқ миқдори (минг сўмда)	Қўлланилган имтиёзнинг умумий миқдори (минг сўмда)
1	2	3	4	5	6	7	8
(Ҳисобот йилининг маълумотлар эълон қилинаётган чораги)							
Маълумотлар эълон қилинаётган давр бўйича жами:							
Ҳисобот йилининг ўтган даври бўйича жами:							

Изоҳ:

1. Маълумотлар солиқ имтиёзлари ва бошқа преференциялар, шу жумладан индивидуал имтиёзлар берилган ҳар бир субъект асосида шакллантирилиб (1,2,3 ва 4-чорақлар қўшилганда жадвалнинг “Ҳисобот йилининг ўтган даври бўйича жами” сатрида 6-8-устунларнинг кўрсаткичлари ҳисобот йили давомида ўсиб боровчи тартибида киритилади), Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг расмий веб-сайти ҳамда Очиқ маълумотлар порталидаги саҳифасида жойлаштирилади;
2. Маълумотлар имтиёз ва преференция қўлланилган ҳар бир субъект кесимида, ҳар чорақ якунидан кейинги ойнинг ўнинчи санасига қадар белгиланган ахборот ресурсида жойлаштириб борилиши лозим.

Давлат органлари ва ташкилотларининг очикликни таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларга риоя этилишини масофадан мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентини, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари билан божхона имтиёзлари ва преференциялар, шу жумладан индивидуал имтиёзлар берилган субъектлар, уларнинг якуний бенефициар (фойда олувчи) жисмоний шахслари, уларнинг тўлаган солиқлари ва молиявий кўрсаткичлари тўғрисидаги
МАЪЛУМОТЛАР

Т/р	Имтиёз ва преференция берилган субъектнинг номи	СТИР рақами	Имтиёз ва преференция қўллаш учун асос бўлган норматив ҳуқуқий ҳужжат	Қўлланилган имтиёз ва преференциянинг умумий миқдори (минг сўмда)	Шундан (минг сўмда):				Божхона йиғимларини тўлаш бўйича имтиёз (минг сўмда)	Тариф преференциялари (минг сўмда)
					Тариф имтиёзлари (минг сўмда)	Қўшилган қиймат солиғини тўлаш бўйича имтиёз (минг сўмда)	Акпиз солиғини тўлаш бўйича имтиёз (минг сўмда)	9		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	
(Ҳисобот йилининг маълумотлар эълон қилинаётган чораги)										
Маълумотлар эълон қилинаётган давр бўйича жами:										
Ҳисобот йилининг ўтган даври бўйича жами:										

Изоҳ:

- Маълумотлар (Ўзбекистон Республикаси Президентини, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари, шунингдек бошқа қонун (қонунчилик) ҳужжатлари билан берилган) божхона имтиёзлари ва преференциялар, шу жумладан индивидуал имтиёзлар берилган ҳар бир субъект асосида шакллантирилиб (1,2,3 ва 4-чорақлар қўйилганда жадавалнинг “Ҳисобот йилининг ўтган даври бўйича жами” сатрида 5-10-устунларнинг кўрсаткичлари ҳисобот йили давомида ўсиб борувчи тартибда қиртилилади), Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг расмий веб-сайти ҳамда Очик маълумотлар порталидаги саҳифасида жойлаштирилади;
- Маълумотлар имтиёз ва преференция қўлланилган ҳар бир субъект кесимида, ҳар чорақ якунидан кейинги ойнинг ўнинчи санасига қадар белгиланган ахборот ресурсида жойлаштириб борилиши лозим.

Давлат органлари ва ташкилотларининг очикликни таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларга риоя этилишини масофадан мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

Амалга оширилган давлат харидлари тўғрисидаги
МАЪЛУМОТЛАР

Т/р	Буюртма- чининг СТИР рақами	Харид предмети (маҳсулот, ши, хизмат)	Категор- ияси	Микдори (ўлчов бирлиги)	Лот рақами	Молия- лаш- тириш манбаи	Етказиб берувчи номи ва СТИР рақами	Шартнома рақами ва санаси	Етказиб бериш муддати (кун, иш кунли ёки сўтқа)	Харид бошланғич қиймати (минг сўмда)	Харид амалга оширилган қиймат (минг сўмда)
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Тендер											
Энг яхши таклифни танлаш											
Бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион											
Электрон дўкон											
Миллий дўкон											
Маълумотлар эълон қилинаётган давр бўйича жами:											
Хисобот йилининг ўтган даври бўйича жами:											

Изоҳ:

1. Маълумотлар молия йилининг (мос давридан келиб чиқиб) ҳар бир чораги учун алоҳида шакллантирилиб (1,2,3 ва 4-чорақлар қўшилганда, жадвалнинг “**Хисобот йилининг ўтган даври бўйича жами**” сатрида 11-12-устунларнинг қўрсаткичлари молия йили давомида ўсиб борувчи тартибида киритилади), давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайти ва Очик маълумотлар порталидаги саҳифасида жойлаштирилади;
2. Маълумотлар амалга оширилган ҳар бир давлат харидлари (тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга оширилган давлат харидлари бундан мустасно) кесимида, ҳар чорақ якунидан кейинги ойнинг ўнинчи санасига қадар белгиланган ахборот ресурсида жойлаштириб борилиши лозим.

Давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларга риоя этилишини масофадан мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
5-илова

Тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга ошириладиган давлат харидлари тўғрисидаги
МАЪЛУМОТЛАР

Т/р	Буюртмач и СТИР рақами	Предмети (маҳсулот, иш, хизмат)	Категорияс и	Миклори (ўлчов бирлиги)	Лот рақами	Молия- лаш- тириш манбаи	Етказиб берувчи номи ва СТИР рақами	Етказиб бериш муддати (кун, иш кунли ёки сўтқа)	Тўғридан- тўғри харид амалга ошириш асоси	Шартнома рақами ва санаси	Шартнома қиймати
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Маълумотлар эълон қилинаётган давр бўйича жами:											
Ҳисобот йилининг ўтган даври бўйича жами:											

Изоҳ:

- Маълумотлар молия йилининг (мос даврдан келиб чиқиб) хар бир чораги учун алоҳида шакллантирилиб (1,2,3 ва 4-чораклар қўшилганда, жадвалнинг “Ҳисобот йилининг ўтган даври бўйича жами” сатрида 12-устуннинг кўрсаткичлари молия йили давомида ўсиб борувчи тартибда киритилади) давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайти ва Очиқ маълумотлар порталидаги саҳифасида жойлаштирилади;
- Маълумотлар амалга оширилган хар бир давлат харидлари (тендер, энг яхши таклифни танлаш, бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион, электрон дўкон ва миллий дўкон давлат харидлари бундан мустасно) кесимида хар чорак якунидан кейинги ойнинг ўнинчи санасига қадар белгиланган ахборот ресурсида жойлаштириб борилиши лозим.
- Жадвалнинг “Тўғридан-тўғри харид амалга ошириш асоси” устунига норматив ва бошқа ҳужжатни қабул қилган орган, унинг рақами ва харид амалга оширишга асос бўлган банди кўрсатилиши шарт.

Давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларга риоя этилишини масофадан мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
6-илова

Мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари харажатлари тўғрисидаги
МАЪЛУМОТЛАР

Т/р	Хизмат сафарининг қисқача мақсади	Хизмат сафари амалга оширилган ҳудуд	Хизмат сафарининг давомийлик муддати (суткада)	Хизмат сафарини амалга оширган ходимнинг фамилияси ва исми	Мотиялантириш манбаси	Жами харажат	Шундан, харажат турлари (минг сўмда)			
							Турар жой билан боғлиқ (меҳмонхона ёки турар жой ижараси) харажатлар	Йўл харажатлари	Кундалик харажатлар	Бошқа харажатлари
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
(Ҳисобот йилнинг маълумотлар эълон қилинаётган чораси)										
Маълумотлар эълон қилинаётган давр бўйича жами:										
Ҳисобот йилнинг ўтган даври бўйича жами:										

Изоҳ:

- Маълумотлар мансабдор шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари билан боғлиқ амалга оширган харажатлар асосида шакллантирилиб (1,2,3 ва 4-чораклар қўшилганда жадвалнинг “Ҳисобот йилнинг ўтган даври бўйича жами” сатрида 7-11-устунларнинг кўрсаткичлари молия йили давомида ўсиб борувчи тартибда киритилади) давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайти ва Очиқ маълумотлар порталидаги саҳифасида жойлаштирилади (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно);
- Маълумотлар амалга оширилган ҳар бир хизмат сафари кесимида, ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг ўнинчи санасига қадар белгиланган ахборот ресурсида жойлаштириб борилиши лозим;
- Хизмат сафари билан боғлиқ харажатлар ҳақидаги маълумотларга давлат органи ёки ташкилотининг барча ходимлари томонидан амалга оширилган харажатлар киритилади.
- Хизмат сафарига юборилган ходимга бошқа харажатлар тўлаб берилган тақдирда, тўланган пул маблағларининг миқдори тегишinchа ходимлар кесимида жадвалнинг 11-устунига киритилиб, изоҳда уларнинг қисқача тавсифи (жамланган миқдори) ёритилади.

Давлат органлари ва ташкилотларнинг очиқликни таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларга риоя этилишини масофадан мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
7-илова

Мансабдор шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ташқарисида хизмат сафарлари харажатлари тўғрисидаги
МАЪЛУМОТЛАР

Т/р	Хизмат сафарининг қисқача мақсади	Хизмат сафари амалга оширилган мамлакат	Хизмат сафарининг давомийлик муддати	Хизмат сафарини амалга оширган ходимнинг фамилияси ва исми	Мотивлатириш	Жами харажат	Шундан, харажат турлари (минг сўмда)					
							Суткалик харажатлар	Яшаш учун (турар жойни ижараси бўйича) харажатлар	Транспорт харажатлари	Вакиллик харажатлари	Кўзда тутилмаган харажатлар	Бошқа харажатлар
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
(Хисобот йилининг маълумотлар эълон қилинаётган чораги)												
Маълумотлар эълон қилинаётган давр бўйича жами:												
Хисобот йилининг ўтган даври бўйича жами:												

Изоҳ:

1. Маълумотлар мансабдор шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ташқарисидаги хизмат сафарлари билан боғлиқ амалга оширган харажатлар асосида шакллантирилиб (1,2,3 ва 4-чораклар қўшилганда жадвалнинг “Хисобот йилининг ўтган даври бўйича жами” сатрида 7-13-устунларнинг кўрсаткичлари молия йили давомида ўсиб борувчи тартибда киритилади) давлат органлари ва ташкилотларнинг расмий веб-сайти ва Очиқ маълумотлар порталидаги саҳифасида жойлаштирилади (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно);
2. Маълумотлар амалга оширилган ҳар бир хизмат сафари бўйича алоҳида тартибда, ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг ўнинчи санасига қадар белгиланган ахборот ресурсида жойлаштирилиши ҳамда молия йили давомида ўсиб борувчи тартибда жойлаштириб борилиши лозим;
3. Хизмат сафари билан боғлиқ харажатлар ҳақидаги маълумотларга давлат органи ёки ташкилотининг барча ходимлари томонидан амалга оширилган харажатлар киритилади.
4. Хизмат сафарига юборилган ходимга бошқа харажатлар тўлаб берилган тақдирда, тўланган пул маблағларининг миқдори тегишинча ходимлар кесимида жадвалнинг 13-устунига киритилиб, изоҳга уларнинг қисқача тавсифи (жалланган миқдори) ёритилади.
5. Маълумотларнинг “харажат турлари” қисмида маблағлар тўлаб берилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий курси бўйича хорижий валютанинг ўзбек миллий сўмига нисбатан белгиланган қийматида киритилади.

Давлат органлари ва ташкилотларининг очикликни таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларга риоя этилишини масофадан мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
8-илова

Хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш харажатлари тўғрисидаги
МАЪЛУМОТЛАР

Т/р	Ташрифнинг қисқача мақсади	Ташриф буюрган вакилларнинг мансублиги		Ташрифнинг умумий давомийлик муддати	Мотивланган типини маънаси	Жами харажат	Шундан, харажат турлари (минг сўмда)				
		Мамлакат	Хорижий ташкилот				Яшаш учун (турар жой ижараси бўйича) харажатлар	Транспорт харажатлари	Овқатлан-тириш харажат-лари	Совға харид қилиш учун харажатлар	Ташриф билан боғлиқ бошқа харажат-лар
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
(Хисобот йилининг маълумотлар эълон қилинаётган чораги)											
Маълумотлар эълон қилинаётган давр бўйича жами:											
Хисобот йилининг ўтган даври бўйича жами:											

Изоҳ:

- Мазкур маълумотлар хориждан ташриф буюрган меҳмонларни (хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек мустақил халқаро экспертлар) кутиб олиш билан боғлиқ амалга оширилган харажатлари асосида шакллантирилиб, (1,2,3 ва 4-чораклар қўйилганда жадвалнинг “Хисобот йилининг ўтган даври бўйича жами” сатрида 7-12-устунларнинг кўрсаткичлари молия йили давомида ўсиб борувчи тартибида киритилади) давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайти ва Очик маълумотлар порталидаги саҳифасида жойлаштирилади (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно);
- Маълумотлар ҳар бир кутиб олиш бўйича алоҳида тартибда (кутиб олинган меҳмон ёки делегация) ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг ўнинчи санасига қадар белгиланган ахборот ресурсида жойлаштирилиши ҳамда молия йили давомида ўсиб борувчи тартибида жойлаштириб борилиши лозим;
- Маълумотларнинг “Ташриф билан боғлиқ бошқа харажатлар” устунида ташриф буюрувчилар учун концерт-гомошаларини ташкил қилиш, диққатга сазовор объектларга кириш ва танишиш, ички транспорт орқали кўчиб юриш, ташриф доирасида ўтказиладиган расмий учрашувлар учун бино-иншоот ва техника ижараси, таржимон хизмати учун харажатлар ҳамда бошқа харажатлар жадвалнинг 12-устунига киритилиб, изоҳга уларнинг қисқача тавсифи (жамланган миқдори) ёритилади.

Давлат органлари ва ташкилотларининг очикликни таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларга риоя этилишини масофадан мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
9-илова

Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобига харид қилиниши режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги
МАЪЛУМОТЛАР

Т/р	Харид қилиниши режалаштирилган товар номи	Қисқача тавсифи	Микдори (ўлчов бирлиги)	Сони	Молиялаш-тириш манбаи	Сотиб олиш режалаштирилган ой ва йили	Харажатлар моддаси	Харид амалга ошириш тури
1	2	3	4	5	6	7	8	9
(Хисобот йилининг маълумотлар эълон қилинаётган чораги)								

Изоҳ:

- Маълумотлар молия йилининг (мос даврдан келиб чиқиб) хар бир сотиб олинishi режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) кесимида алоҳида шакллантирилиб, давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтидаги алоҳида саҳифада жойлаштирилади (харид эълон қилинишидан камида 6 ой олдин);
- Қондага мувофиқ харид қилиниши режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) давлат харидлари электрон тизимига эълон жойлаштирилган вақтдан олти ой олдин давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтида эълон қилиниши лозим.

Давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни
таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий
ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларга
риоя этилишини масофадан мониторинг қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга
10-илова

Харид комиссияси таркибини тасдиқлаш ҳақидаги буйруқнинг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ



_____нинг
(давлат органи ёки ташкилотининг номи, раҳбари)

“___” йил “___” _____ даги _____ – сон
Б У Й Р У Қ И

(Баҳолаш комиссияси таркибини тасдиқлаш ҳақида)

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 16 июндаги ПФ–6247-сон Фармонига асосан,

Б У Ю Р А М А Н:

1. _____ учун
(давлат органи ёки ташкилотининг номи)

товарлар (ишлар, хизматлар)нинг харид қилинишини таъминлаш бўйича иловага мувофиқ харид комиссияси тузилсин.

2. Харид комиссияси томонидан давлат харидларини _____

_____ да белгиланган тартиб-таомилларга қатъий
риоя этилган ҳолда ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминласин.

3. _____нинг
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари,
шунингдек, _____
(таркибий тузилмалар, корхона, ташкилот ва муассасалар номи)

томонидан ушбу буйруқ талабларидан келиб чиқиб, харид комиссия таркибини тасдиқлаш (қайта тасдиқлаш) чораларини кўрсин.

4. Белгилансинки:

— _____ марказий аппаратида
(давлат органи ёки ташиклотининг номи)

давлат харидлари доирасида харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказишга _____

(масъул таркибий тармоқ номи)

масъул этиб белгилансин;

— шартнома имзолангандан сўнг етказиб берилаётган товарларни (ишлар, хизматлар) қабул қилиб олишга шахсан ташаббускор таркибий тузилма масъул ҳисобланиб, бунда, ташаббускор таркибий тузилма товарларни (ишлар, хизматлар) қабул қилишни рад этган тақдирда, бу тўғрисида зудлик билан _____

(масъул таркибий тармоқ номи)

(қабул қилишни рад этиш далолатномасини илова қилган ҳолда) хабардор этилишини таъминласин;

5. Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказишнинг қонунийлигини таъминлаш харид комиссияси зиммасига юклатилсин.

6. Буйруқ ижросини таъминлаш _____

(соҳавий ўринбосар ёки тегишли таркибий тармоқ раҳбари)

зиммасига юклансин.

(давлат органи номи, раҳбари)

(Ф.И.Ш.)

Давлат органлари ва ташкилотларининг очикликни
таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий
ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларга
риоя этилишини масофадан мониторинг қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга
11-илова

нинг
(давлат органи ёки ташкилот номи, раҳбари)
20__-йил “__” ____даги ____-сон
буйруғига
илова

нинг
(давлат органи ёки ташкилот номи)
харид комиссияси аъзолари
ТАРКИБИ

1.	Комиссия раиси Ф.И.Ш.	—	Иш жойи ва эгаллаб турган лавозими (давлат органи ёки ташкилот номи ва эгаллаб турган лавозими тўлиқ)
2.	Раис ўринбосари Ф.И.Ш.	—	Иш жойи ва эгаллаб турган лавозими (тўлиқ)
	Комиссия аъзолари:		
3.	Ф.И.Ш.	—	Иш жойи ва эгаллаб турган лавозими (тўлиқ)
4.	Ф.И.Ш.	—	Иш жойи ва эгаллаб турган лавозими (тўлиқ)
5.	Ф.И.Ш.	—	Иш жойи ва эгаллаб турган лавозими (тўлиқ)
6.	Комиссия котиби: Ф.И.Ш.	—	Иш жойи ва эгаллаб турган лавозими (тўлиқ)

Давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларга риоя этилишини масофадан мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
12-илова

Ўтказилган тафтиш ва текширувлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ

Т/р	Назорат объектининг номи	Назорат тадбирининг мақсади	Муддати	Ўтказилган санаси	Назорат тадбирини ўтказган давлат хизматчисининг лавозими ва Ф.И.Ш
1	2	3	4	5	6
(Ҳисобот йилининг маълумотлар эълон қилинаётган чораги)					

Изоҳ:

- Маълумотлар молия йилининг (мос даврдан келиб чиқиб) ҳар бир ўтказилган тафтиш ва текширув бўйича алоҳида шакллантирилиб, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва назорат қилувчи органларнинг Очиқ маълумотлар порталидаги саҳифасида (Давлат сири бўлган маълумотларнинг ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирнинг муҳофаза қилинишини таъминлаган ҳолда) жойлаштирилади;
- Маълумотлар ўтказилган тафтиш ва текширув кесимида, ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг ўнинчи санасига қадар белгиланган ахборот ресурсида жойлаштириб борилиши лозим;
- Жадвалнинг 6-устунидаги маълумотлар тегинчи назорат қилувчи органнинг раҳбарини хабардор этгандан сўнг эълон қилиниши қондасига риоя қилган ҳолда жойлаштирилиши лозим.

Давлат органлари ва ташкилотларининг очикликни таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларга риоя этилишини масофадан мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
13-илова

Устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган
юридик шахслар ҳамда давлат унитар корхоналарининг
РЎЙХАТИ

Т/р	Корхона номи	Ташкилий шакли (қисқартмаси)	СТИР рақами	Корхона жойлашган ҳудуд	Юридик манзили	Давлат номидан акциядор (иштирокчи, мулкдор) функцияларини амалга ошираётган ташкилот	Давлат улушининг миқдори (фоизда)	Ҳолати
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Изоҳ:

- 1. Маълумотлар устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир юридик шахс ҳамда давлат унитар корхонаси кесимида шакллантирилиб, Давлат активларини бошқариш агентлигининг Очик маълумотлар порталидаги саҳифасида жойлаштирилади;
- 2. Маълумотлар ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг ўнинчи санасига қадар белгиланган ахборот ресурсида жойлаштириб борилиши лозим.

Давлат органлари ва таъкилотларининг очиқликни таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларга риоя этилишини масофадан мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
14-илова

Устав фондининг (устав капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи давлат иштирокидаги корхоналарга тегишли бўлган юридик шахслар
РЎЙХАТИ

Т/р	Корхона номи	Ташкилий шакли (қисқартмаси)	СТИР рақами	Корхона жойлашган ҳудуд	Юридик манзили	Давлат номидан акциядор (иштирокчи, мулкдор) функцияларини амалга ошираётган ташкилот	Давлат улушининг миқдори (фоизда)	Ҳолати
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Изоҳ:

1. Маълумотлар устав фондининг (устав капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи давлат иштирокидаги корхоналарга тегишли бўлган ҳар бир юридик шахслар кесимида шакллантирилиб, Давлат активларини бошқариш агентлигининг Очик маълумотлар порталидаги саҳифасида жойлаштирилади;
2. Маълумотлар ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг ўнинчи санасига қадар белгиланган ахборот ресурсида жойлаштириб борилиши лозим.

Давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларга риоя этилишини масофадан мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
15-илова

Ўзлари акциядор (иштирокчи, мулкдор) функцияларини бажарувчи давлат иштирокидаги корхоналарнинг ижроия органи ва қузатув кенгаши аъзолари тўғрисидаги
МАЪЛУМОТЛАР

Т/р	Корхона номи	Ташкилий шакли (қисқартмаси)	СТИР раками	Юридик манзили	Давлат улушининг миқдори (фоизда)	Корхонанинг ижроия органи (директор, бошқарув раиси, бошқарув аъзолари)		Кузатув кенгаши аъзолари	
						Ф.И.Ш ва амалдаги лавозими	Лавозими	Ф.И.Ш ва амалдаги лавозими	Лавозими
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
								1.	
								2.	
								3.	
								4.	

Изоҳ:

1. Маълумотлар ўзлари акциядор (иштирокчи, мулкдор) функцияларини бажарувчи ҳар бир давлат иштирокидаги корхона кесимида шакллантирилиб Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Очиқ маълумотлар порталидаги саҳифасида жойлаштирилади;

2. Маълумотлар ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг ўнинчи санасига қадар белгиланган ахборот ресурсида жойлаштириб борилиши лозим.

Давлат органлари ва ташкилотларининг очикликни таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларга риоя этилишини масофадан мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
16-илова

Давлат иштирокидаги корхоналар, шунингдек, ушбу корхоналарга тегишли бўлган юридик шахслар тасарруфидаги енгил автомобиллар тўғрисидаги
МАЪЛУМОТЛАР

Т/р	Русуми	Давлат рақами	Ишлаб чиқарилган йили	Балансга олинган вақти (аниқ санаси)	Сони (дона)	Балансга олинган вақтдаги қиймати (минг сўмда)	Сақлаш харажатлари (минг сўмда)	Жихозлаш харажатлари (минг сўмда)	Харакатланган масофа	
									Хисобот даврида харакатланган масофа	Жами харакатланган масофа
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
(Хисобот йилнинг маълумотлар эълон қилинаётган чораги)										
Маълумотлар эълон қилинаётган давр бўйича жами:										
Хисобот йилининг ўтган даври бўйича жами:										

Изоҳ:

1. Маълумотлар ҳисобот йилининг ҳар бир чораги учун алоҳида шакллантирилиб (1,2,3 ва 4-чорақлар қўшилганда, жадвалнинг “**Хисобот йилининг ўтган даври бўйича жами**” сатрида 6-11-устунларнинг кўрсаткичлари ҳисобот йили давомида ўсиб борувчи тартибда киритилади) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг расмий веб-сайти ва Очик маълумотлар порталидаги саҳифасида жойлаштирилади;
2. Маълумотлар ҳар бир енгил автомобиллар кесимида, ҳар чорақ якунидан кейинги ойнинг ўнинчи санасига қадар белгиланган ахборот ресурсида жойлаштириб борилиши лозим;
3. Жадвалнинг 7-устунига янги автомобилотранспорт воситасини сотиб олиш қиймати киритилади. Шунингдек, мукаддам фойдаланувда бўлган ёки янги бўлмаган автомобилотранспорт воситаси балансга олинган тақдирда унинг баҳолаш (қайта баҳолаш) қиймати киритилиб, ушбу юзасидан тегишли маълумотлар жадвал пастки қисмига изоҳ сифатида киритилиши лозим;
4. Жадвалнинг 10-устунида автомобилотранспорт воситаси фақат кўрсаткичлар киритилаётган чорақда харакатланган масофа киритилади;
5. 8 ва 9-устунларидаги сарфланган харажатлар жамланган ҳолда, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига амалга оширилган кўрсаткичлари бўйича жадвалнинг пастки қисмига изоҳ сифатида киритилиши лозим.

Давлат органлари ва ташкилотларининг очиклики таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларга риоя этилишини масофадан мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
17-илова

Давлат иштирокидаги корхоналар, шунингдек, ушбу корхоналарга тегишли бўлган юридик шахслар тасарруфидаги хизмат уйлари ва бошқа кўчмас мулклар тўғрисидаги
МАЪЛУМОТЛАР

Т/р	Мулк тури	Жойлашган манзили	Кадастр рақами	Балансга олинган вақти (аниқ сана)	Сони (дона)	Қиймати (минг сўмда)	Қайта баҳоланган нархи (минг сўмда)	Сақлаш харажатлари (минг сўмда)	Жихозлаш харажатлари (минг сўмда)	Жихозлаш харажатларининг молиялаштириш манбаси (минг сўмда)	
										Бюджет	Бюджетдан ташқари жамғарма
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
(Ҳисобот йилининг маълумотлар эълон қилинаётган чораги)											
Маълумотлар эълон қилинаётган давр бўйича жами:											
Ҳисобот йилининг ўтган даври бўйича жами:											

Изоҳ:

1. Маълумотлар ҳисобот йилининг ҳар бир чораги учун алоҳида шакллантирилиб (1,2,3 ва 4-чорақлар қўшилганда, жадвалнинг “Ҳисобот йилининг ўтган даври бўйича жами” сатрида 6-11-устунларнинг кўрсаткичлари ҳисобот йили давомида ўсиб борувчи тартибда киритилади) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Кадастр агентлиги, вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг расмий веб-сайти ва Очик маълумотлар порталидаги саҳифасида жойлаштирилади;
2. Маълумотлар ҳар бир хизмат уйи ёки бошқа кўчмас мулклар кесимида, ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг ўнинчи санасига қадар белгиланган ахборот ресурсида жойлаштириб борилиши лозим;
3. Жадвалнинг 8-устунида хизмат уйи ва бошқа кўчмас мулкларни ҳисобот давридаги қийматини аниқлаш, жиҳозлаш, жорий ва мукаммал таъмирлаш амалга оширилганидан кейин ўтказилган қайта баҳолаш натижасида аниқланган миқдор киритилади.

